


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзтрансгаз» АЖ хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси


Н.Игамбердиев
“ ” _____ 2025 й

«Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 2025-йил 2-чоракда амалга
оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш баёни № _____

2025-йил _4_ -июл

Тошкент ш.

КУН ТАРТИБИ:

1. Магистрал газ қувурлари ҳимоя ҳудудларини тафтишдан ўтказиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний қурилмаларнинг қурилишини олдини олиш.
2. Жамият ва унинг таркибий тузилмалари томонидан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва «Яшил белбоғ»лар яратиш.

Раислик қилди: Н.Игамбердиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар: Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Равшанова,
Л.Шарипова, С.Эгамбердиев, С.Осадчая,
Ш.Абдуллаева, М.Қосимов, Р.Тургунов,
М.Мағдиева, М.Хужанова, Ф.Донияров

Таклиф қилинганлар: Ш.Сафаров, Ш.Бобоев,

«Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгашининг 2025-йил 2-чоракда амалга оширган ишлари тўғрисидаги йиғилиши Жамоатчилик кенгашининг раиси Н.Игамбердиев томонидан очилди.

Н.Игамбердиев жамиятда Магистрал газ қувурлари ҳимоя ҳудудларини тафтишдан ўтказиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний қурилмаларнинг қурилишини олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш учун сўзни Ў.Нуриддиновга берди. Ў.Нуриддинов ўз нутқида:

«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти томонидан Магистрал газ қувурлари муҳофаза ҳудуди бўйича 2025 йилнинг 2-ярми давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан таништирди ва қуйидагиларни айтиб ўтди.

Маълумки, магистрал газ қувурлари хавфлилик даражаси юқори бўлган муҳандислик иншоотлари ҳисобланади. «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти томонидан хизмат кўрсатиладиган 13 минг километрдан ортиқ магистрал газ қувурларининг ҳар икки томонидан қувур диаметридан келиб чиққан ҳолда муҳофаза зоналари белгиланган. Бундай майдонларда қурилмаларнинг бўлиши хавфли ҳисобланади.

Шундан келиб чиқган ҳолда бундай қурилмаларни хавфсиз жойларга кўчириш мақсадида жамиятимиздаги масъул ходимлар ва тармоқ қувур назоратчилари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, **2025 йил 1 январ** ҳолатига “Ўзтрансгаз” АЖнинг тасарруфидаги магистрал газ қувурлари ва тармоқларининг муҳофаза зонасида жами **2 885 та** қурилма мавжуд эди. **Жорий йилнинг 1 июл** ҳолатига жамиятнинг мутахассислари томонидан тегишли ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилган тадбирлар натижасида ушбу муҳофаза ҳудудидаги қурилмалар сони **40 тага** камайтирилди. Жумладан:

- **29 та** қурилма тушунтириш ишларидан сўнг фуқароларнинг ўз ташаббуси билан хавфсиз ҳудудларга кўчирилди;

- “ДБСТ” магистрал газ қувурини 2-синфга ўтказилиши ва шу йўл билан қувур тармоғи муҳофаза ҳудудининг қисқариши натижасида **11 та** қурилма муҳофаза зонасидаги қурилмалар рўйхатидан чиқарилди.

Бугунги кунда, магистрал газ қувурлари ва тармоқларининг муҳофаза ҳудудида жами **2 845 та** қурилма мавжуд, шундан:

2 489 таси аҳоли хонадонлари, **237 та** нотурар бино ва иншоотлар, **77 та** иссиқхоналар, - **32 та** ишлаб чиқариш объектлари ва - **10 та** фермер хўжаликлари тегишли бинолар.

Муҳофаза ҳудудларидаги мавжуд қурилмаларнинг **742 таси**да кадастр ҳужжатлари мавжуд.

Қурилмаларнинг **1 411 таси** бўйича судларга даъво аризлари киритилган.

Судга берилган **1 411 та** қурилманинг **1 068 таси**га ҳал қилув қарори чиқаришга эришилган. Айтиш керакки, қолган **1 434 та** қурилмани суд органларига бериш бўйича ҳужжатларини жамлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, муҳофаза зоналарида қурилиш ишларининг олдини олиш мақсадида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти масъуллари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида:

- оммавий ахборот воситаларида **21 марта** чиқиш амалга оширилди;

- **10 марта** аҳоли ва тадбиркорлар учун профилактик тадбирлар ўтказилди;

- **2 845 тага** яқин қурилма эгаларига огоҳлантириш хатлари тарқатилди;

- **2 500 тадан** ортиқ ер эгаларига тегишли хатлар юборилди;

- **230 та** мурожаат хати маҳаллий давлат органларига юборилди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 27-июнидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 28-мартдаги “Давлат архитектура назоратини амалга оширишнинг янги механизмини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 192-сонли қарори кучга кирди.

Ушбу ҳужжат аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, ижтимоий инфратузилма объектларини жойлаштиришда шаҳарсозлик тўғрисида қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кучайтириш, шунингдек, коммуникация тармоқлари ҳимоя ҳудудларидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш билан боғлиқ суд қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек ушбу

худудларда келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, тартибга солиш механизмларини ўз ичига олади.

Кун тартибининг 2-масаласи юзасидан сўз Арипов Отабекка берилди.

О.Арипов ўз нутқида қуйидагиларни маълум қилди.

“Ўзтрансгаз” АЖга 2025 йил баҳор-куз мавсумларида жами 57 200 туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экиш вазифаси юклатилган. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг 2025 йил 13 февралдаги 14/14-сонли буйруқ-қарори қабул қилинган бўлиб, Жамият таркибий тузилмалари томонидан 2025 йил баҳор мавсумида 23га ер майдонида дарахт кўчатлари экилиб, шундан 14.7 га томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ва жами 130 630 туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилиши таъминланиб, йиллик режа 228 фоизга бажарилди.

Шунингдек, Жамият таркибий тузилмалари томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳор мавсуми доирасида экилган дарахт кўчатлари турлари ва сони бўйича маълумотлар туман (шаҳар) ҳокимликларида ташкил этилган штабларга тақдим этилиб, белгиланган тартибда “Яшил макон” электрон платформасига киритиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Жамиятнинг дарахт кўчатларини сотиб олиш учун сарфланаётган маблағларини иқтисод қилиш мақсадида, “Шимолий Сўх” ГЕОСИда жами 50 000 туп терак ва павлония қаламча кўчатларини етиштириш ишлари ташкиллаштирилди. (*Фото лавҳалар илова қилинади*)

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича жамоатчилик кенгаши аъзолар таклифлари ва мулоҳазалари тингланди.

Жамоатчилик кенгаш раиси Н.Игамбердиев муҳокама ва таклифларни инобатга олган ҳолда 2025 йил иш режасини 2 чоракда кўйилган масалалар бажарилиши ижобий бажарилганлиги тасдиқланишини сўради. Кенгаш аъзолари бир овоздан иш режани ижобий бажарилганлигини тасдиқлашди. Қаршилар ва бетарафлар йук.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзтрансгаз” АЖ- жамоатчилик кенгаши кун тартибига доир масалаларни атрофлича муҳокама қилиб **қарор қилади:**

1. Магистрал газ қувурлари ҳимоя худудларини тафтишдан ўтказиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний қурилмаларнинг қурилишини олдини олиш ва Жамият ва унинг таркибий тузилмалари томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида худудларни кўкаламзорлаштириш ва “Яшил белбоғ”лар яратиш ишлари бажарилиганлиги ижобий деб баҳолансин.
2. Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил учун белгиланган иш режасининг келгусидаги чоракларда белгиланган йўналишлар ижросига алоҳида эътибор берилиши инобатга олинсин.

Котиб:

Ф.Донияров